

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2022 йил 3 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф. Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: Н.Юсунов

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.03.2022 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 3). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



43	Ўрта осий мутафаккирлари талқинида эвдемония Эшонкулова Н.А	243
44	Факторы формирования инновационного мировоззрения у молодежи Юсупова Ф.З	249
45	Давлатлар ўртасидаги муносабатларда трансчегаравий дарёлар омили Сирождидинов Ш. Н.	254
46	Инновацион таълимда касбий маҳоратни такомиллаштириш йўналишлари Суннатов Н.Б	263
47	Миллий ўзликни англашнинг тарихий-фалсафий асослари Суюнов Ш.Б	270
48	Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг миллий асослари Холиқов Ю.О	274
49	Социал стратификация ва ижтимоий ҳамкорлик тушунчаларининг концептуал асослари Худойбердиева А.Х	279
50	Мирзо Улуғбек даври мадрасаларида таълим фалсафасининг моҳияти Ҳамдамов И.А	284
51	Файласуф кадрларнинг Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига таъсирини ошириш йўллари Мухтаров У.М	288
52	Ёшларнинг тарбиясига ўзбек миллий рақс санъатининг таъсири Назарова И.З	294

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

53	Somatik lug'atdagi nominatsiya ob'yektining xususiyatlari Gadoyeva M.I	299
54	Ҳикояда фитрат образининг бадиий талқини Мансурова М.А	304
55	Artur Konan Doyle "Yo'qolgan dunyo" asarining yaratilish tarixi Kasimova R.R., O'roqova M.O'	309
56	Инглиз ва ўзбек тилидаги шахс тасвири сифатларининг грамматик имкониятлари Элмуродова Ф.Н	313
57	Linguocultural features of chinese kinship terms Nurullayeva K.Q	319
58	Икром Отамурод шеърлари поэтик синтаксисига хос айрим жиҳатлар Каримова Ш.К	323



59	Angliya siyosiy olamida qo'llaniladigan ba'zi bir metaforalar tahlili Tursunov M.M., Ahmedova G.O	328
60	Theoretical aspect of studying lexic means of expressing emotions Muhammadiyeva N.M.	335
61	Negation as a means of constructing dialogical discourse in the novel by I.VO "Return to Brideshead" Toshkhonov L.T.	339
62	O'zbek va ingliz xalq ertaklarining qiyosiy tahlili Xalilova Sh.J.	345
63	Масофавий таълим тизимида инглиз тилини ўқитишда танқидий фикрлашнинг аҳамияти Турдиева Р.С.	351
64	5-sinfda alisher navoiyning "Hayrat Ul-Abror" asarini yangi pedagogik texnologiyalar asosida o'rgatish usullari yuzasidan metodik tavsiya Rustamova L.I.	355
65	Развитие навыков аудирования при обучении иностранным языкам Салихова Д.С.	359
66	Zamonaviy tilshunoslikda antroposentrizm aspekti Sayitqulova Z.X.	365
67	Sol bellou ijodiga xos falsafiy qarashlar Umarova X.Z.	371
68	Tetralogiyada shevaga oid so'zlarning jamiyat tarixiy madaniy rivojlanishdagi roli Muxtorova U.T.	375
69	Ingliz va o'zbek tillarida turizmga oid terminologik tizimlarining qiyosiy tahlili Vaxidova F.S.	379
70	Француз ва ўзбек тилларидаги макон семантикаси гапларда дейксиснинг ўрни Ишанжанова М.С.	383
71	Хитой тилида 把 "bǎ" донабай ном ҳисоб сўзининг ривожланиши, эволюцияси. Артикова З.З.	388
72	Кичик шеъринг шакллари баъзи хусусиятлари Дошанова Г.И.	392
73	"Нон" билан боғлиқ фраземаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари Ибратова А.Ш.	398
74	Инглиз тилидаги фонетик ўзгаришлар динамикаси Аҳмедова Р.А.	403
75	Оғзаки ва ёзма мулоқот жараёнида лингвомаданий бирликларнинг ифодаланиши Жамолиддинова Д.М., Мухиддинова Д.М.	407
76	Ўзбек ва инглиз тилларидаги ҳаракат феъллари градуонимияси Отабоева М.Р.	412



77	Выражение концепта “Доброта” в узбекском и немецком языках Назарова Н.М	417
78	Ўзбек тилининг расмий услуби ва унга хос хусусиятлар Садинова Н.У	421
79	Фонетик ўзгаришлар сўзларнинг талаффузидаги прагматик маънолар Норова М.Ф	425
✓ 80	Элбекнинг ўзбек тили морфемикаси ва сўз ясаши ҳақидаги илмий қарашлари Нормаматов С.Э	430
81	Содда гап қурилишини субстанциал-прагматик ўрганиш методологияси Юлдошева Н.Э	436
82	Sayyid qosimiy ijodi haqida ba'zi kuzatishlar Normurodov O.B	440
83	Адабий норма ва сўзлашув нутқининг лексик-семантик хусусиятлари Нўманова С.С	444
84	Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослиги муаммолари нурбой жабборов талқинида Каримов О	449
85	Ўзбек халқ ўланларини ўрганишга доир назарий қарашлар тавсифи Турғунов Ш.Д	453
86	The linguocultural analyse of symbols in literature Sharipova D.Sh	460
87	Субколлоквиал фразеологик бирликларнинг экспрессив – стилистик характеристикаси Отақулов Н.Б	465
88	Инглиз ёзувчиси жейн остиннинг “Нортенгер аббатлиги” асарида бат шахри талқини Ражабова Д	470
89	Речь как результат, как продукт речевой деятельности Дедаханова М.М	474
90	Noverbal nutq yohud paralingvistika Sobirova N.N	479
91	Rus tili tizimida kompyuter vokabulyatning xarakteristiklari Sirazetdinova L.A	484
92	Оғаҳий ғазалларига Аҳмад Табибий мухаммаслари Амонов Ш.Н	487
93	Лингвокультурологические основы исследования русской и узбекской предикации Юлдашев А.У	493
94	Билингвизм ва интерференция ҳодисалари Ёрматова Ё.Н	498



Адабиётлар

1. Morris Ch.W. Foundations of the theory of signs. – Chicago, 1938. – 59 p.
2. Каримова Г. Бадиий асар тилини тилшуносликнинг янги парадигмалари асосида ўрганиш. *Tilshunoslik va metodika masalari*. – Т.: “Muharrir” nashriyoti, 2019. – Б. 86.
3. Хайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Монография. – Т.: Наврўз, 2017. – Б. 105-117.
4. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Бухоро, 2004. – Б. 24
5. Ҳакимов М., Ҳакимова М. Фонопрагматикани юзага чиқарувчи воситалар. *Стилистика ва прагматика. Илмий-назарий конференция материаллари (II қисм)*. – Самарқанд, 2010. – Б. 32-34.
6. William Shakespeare. *The Merchant of Venice*. – England, 1596. – P. 93.
7. Laurence T.C., Terry T.M. Metathesis as a grammatical device // *International Journal of American Linguistics*. – New York: Columbia University Press, 1969. – P. 219.
8. Норова М.Ф. Фоностилистика. Монография. – Бухоро, 2021. – 120 б.

ЭЛБЕКНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИ МОРФЕМИКАСИ ВА СЎЗ ЯСАЛИШИ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ

Нормаматов Султон Эрмаматович,
ТошДЎТАУ доценти,
филология фанлари доктори

Аннотация: Мақолада маърифатпарвар жадид адиби Элбекнинг XX аср бошларида ўзбек тили морфемикаси ҳақида билдирган назарий ва амалий фикрлари ёритилган. Муаллифнинг “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” асаридаги таҳлиллари мисолида мазкур даврда сўз ясалиши меъёрларини белгилаш ҳақидаги назарий қарашларига илмий баҳо берилган.

Калит сўзлар: адабий тил, морфемика, морфематиксостав, сўз ясалиши, сўз яшаш меъёри, сўз ясовчи морфема, форма ясовчи морфема, лексикография, морфем лугат, грамматик меъёр.

НАУЧНЫЕ ВЗГЛЯДЫ ЭЛБЕКА НА МОРФЕМИКУ И СЛОВООБРАЗОВАНИЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

Нормаматов Султан Ермаматович,
доцент Ташкентского государственного университета,
доктор филологических наук

Аннотация: Статья содержит теоретические и практические взгляды просвещенного писателя-джалида Элбека на морфемы узбекского языка начала XX века. На примере анализа автора в «Материалах для узбекского полного словаря» дана научная оценка его теоретических взглядов на определение норм словообразования в этот период.

Ключевые слова: литературный язык, морфемика, морфематика, словообразование, словообразовательная норма, словообразовательная морфема, формообразующая морфема, лексикография, морфемный словарь, грамматическая норма.



ELBEK'S SCIENTIFIC VIEWS ON MORPHEMICS AND WORD FORMATION OF THE UZBEK LANGUAGE

Normamatov Sulton Ermamatovich,
docent of TSUULL, DS in philology

Annotation. *The article describes the theoretical and practical views of the enlightened Jadid writer Elbek on the morphemics of the Uzbek language in the early twentieth century. An example of the author's analysis in "Materials for the Uzbek explanatory dictionary" provides a scientific assessment of the theoretical views on the definition of norms of word formation in this period.*

Keywords: *literary language, morphemics, morpheme composition, word formation, word formation norm, word-forming morpheme, form-forming morpheme, lexicography, morpheme dictionary, grammatical norm.*

XX асрнинг 20-йилларидаги ўзбек тили морфологияси, унинг илмий асослари шаклланишига оид бўлган манбалар, ҳар бир морфологик сатҳнинг шаклланиши ва нутқда воқеланиши ҳақидаги фикрлар маълум ўзига хосликларга эга. 20-йиллардаги илмий манбаларда сўзнинг морфологик тузилиши тўғрисида назарий фикрлармавжуд бўлса-да, бироқ бу мавзу алоҳида шаклда эмас, кўпроқ сўз туркумлари ичида изоҳланган.

Бу даврда ўзбек тилидаги сўзларнинг морфемик ва морфологик таркиби, сўз туркумларидаги лексемаларнинг грамматик шаклланиши, ясаиш хусусиятлари ҳақида Абдурауф Фиграт, Мунаввар Қори, Қайом Рамазон, Шорасул Зунун, Ашурали Зоҳирий, Элбеккабизийлар томонидан муайян изланишлар олиб борилган.

Ўзбек тилининг морфологик қурилиши, морфемикаси, хусусан, сўз ва аффикс (қўшимча) муносабати каби масалалар юзасидан давр зиёлиси сифатида Элбекнинг фикрлари ҳам эътиборлидир. У ўша пайтдаги Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг топшириғи билан халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ дostonлари вариантларини тўплайди ҳамда уларнинг тили ва услубини ўрганишга киришади. Халқ оғзаки ижоди материаллари асосида мингдан ортиқ сўзнинг изоҳли луғатини тузиб "Тил проблемалари" номи журналда эълон қилади [1,95]. Кейинчалик бу асар "Ўзбек тўла сўзлигига материаллар" дея номланади. Унинг ўзбек луғатчилигининг тадрижий такомилда муҳим ўрин тутувчи мазкур асари тилимизнинг бой луғат заҳирасини тўплаш, уни ўрганиш ва кенг халқ оmmasига етказиш йўлида тўплаган бой материаллари, туркий луғатчилик анъаналари негизда ўрганган тажрибаси асосида яратилган дастлабкиизоҳли, қолаверса, морфем луғат намунасидир.

Тилни халқ яратади. Демак, тилнинг жозибadorлиги, таъсирчанлиги, сеҳри ва бутун борлиғи халқ тилида мужассам бўлади. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг қай даражада, қай ҳолатда бўлиши унинг умумхалқ тили билан муносабатига боғлиқ. Элбекнинг халқ тилининг нодир бойликларини (сўзларни, атамаларни) тўплаш, уларни янги шакллантирилайётган адабий тилга олиб киришдан кўзлаган асосий мақсади ҳам XX аср бошларидаги ўзбек адабий тилини жонли халқ тили асосига қуриш, бу тил, ўз таъбири айтганда, "яхши ишланган, кенг халқ оmmasи бир-бирини қулай онглайтурғон ва ўз мақсадини шу тил орқали енгил онглататурғон бой бир тил" [2,7] бўлиши учун курашиш эди. Муаллиф бу ҳаракатларининг амалий ифодаси сифатида имкон қадар халқ лаҳжа ва



шеваларидаги соф туркийча сўзларни тўплашга, луғатлар тузиб уларнинг маъноларини изоҳлашга ва кенг халқ оммасига етказишга бел боғлайди.

“Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” асарининг муҳим бир жиҳати луғатда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз яшаш ва уни ишлатиш меъёрлари ҳақида ҳам маълумотлар берилганлигидир. Муаллиф мазкур асарида тилда қўлланаётган сўзлар, уларнинг ясалиши, ҳатто шакл юзага келтирувчи (форма ясовчи) қўшимчаларга ҳам ўзининг муносабатини билдириб ўтган.

Элбекнинг юқоридаги фикрларини таҳлилга тортар эканмиз, унинг бу фикрларида ўзбек тили морфемикаси, сўз ясалиши, қолаверса, морфем луғатни яратишборасида дастлабки маълумотлар келтирилганлигига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, тил ички ва ташқи манба асосида бойиб боради. Яъни четдан сўз ўзлашади ёки тил ички имконияти асосида – сўз ясалиши билан янги маъноли лексик бирлик пайдо бўлади. Бунда сўз ясалиши тилда мавжуд бўлган материал ва имконият асосида янги сўз ҳосил қилишни, луғат таркибининг бойишини назарда тутди. XX аср бошларидаги миллий адабий тилни шакллантириш ва ривожлантиришни ўз зиммаларига олган жадид маърифатпарварлари адабий тилда кенг истеъмолда қўлланиб келаётган ўзлашма сўзларнинг ўрнига мумкин қадар соф туркийча муқобилларини топишга ва истеъмолга киритишга ҳаракат қилар эканлар, айрим ўринларда бундай сўз ва атамаларнинг туркийча эквивалентлари топилмаганда, ўзбек тили сўз хазинасини ички имкониятлар асосида бойитиш, яъни сўз яшаш орқали янги сўз ва атамалар яратишни кун тартибига қўйганлар. Ман шу мақсад талабидан келиб чиқиб, Элбек асарнинг сўзбоши қисмида шундай ёзади: “...Энди бир қанча сўзнинг ўз тилимиздаги сўз ясовчи қўшимчалари устида бошлайман. Бизда сўз ясовчи қўшимчаларнинг турлари жуда кўп, улар, яъни сўз ясовчиларнинг ҳар бирларининг ўзларига хос роллари бор, буларни ўз ўрунларига қўйиб, сўз ясағонимизда биздаги термин яшаш чатоқликларига анча енгиллик келтирган бўлади. Мен буларнинг муҳумларини қуйида келтираман, булар туб сўзга қўшулуб бошқа сўзлар ясайдилар...” [3,44].

Кўринадик, ўша давр оғзаки ва ёзма нутқида кўпгина сўз ва атамаларнинг талаффузи ва имлосида турли чалкашлик ва ноаниқликлар, ҳар хилликлар мавжуд бўлган. Бу камчиликлар асосан ўзлаштирилган чет сўзларда, сўз ва терминларнинг қўшиб ёки ажратиб ёзилишида, асос ва қўшимчалар имлосида, шунингдек, айрим сўзларнинг ясалиш структурасида кузатилар эди. Ўз навбатида, бу камчиликларни бартараф этиш учун эса, алифбо ва имлода, тилнинг лексик-семантик тузилиши, грамматик қурилишида, қолаверса, сўз ясалишида маълум бир қолип, аниқроғи, меъёрнинг ишлаб чиқирилиши ва амалга татбиқ қилиниши лозим бўлар эди.

Муаллиф ўзбек тилидаги сўзларнинг ясалиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўша даврда унумли ва унумсиз сўз яшаш хусусиятига эга, ўзи томонидан “сўз ясовчи” дея эътироф этилган 72 та морфемани келтиради ҳамда уларнинг янги сўз ясалишидаги ўрнини мисоллар асосида қуйидагича тушунтиришга ҳаракат қилади:

- в: бил-в, кўр-в;
- чи: терим-чи, тароқ-чи;
- чил: сўз-чил, эп-чил;
- сил: оқ-сил;



- син: чиран-син, оз-син;
- сира: уйқу-сира, кулум-сира;
- оғон: чоп-оғон,
- арман: ол-арман, бор-арман;
- оқ, -ак: қол-оқ, куз-ак;
- иқ, ик: сол-иқ, теш-ик;
- гир, -кир: сез-гир, ўт-кир;
- м, -им: кел-им, тўпла-м;
- ар: чоп-ар;
- ғиш, -қиш: сар-ғиш, оқ-иш;
- тир, -дир: ёз-дир, кел-тир;
- ма: ёз-ма, ос-ма;
- чиқ (ўйун-чиқ, ирган-чиқ);
- чак, -чок: белан-чак, уйун-чок;
- ғич, -тич: сур-ғич, сўр-ғич;
- илди, -инди: топ-илди, сур-инди;
- намо: одам-намо, киши-намо;
- сумон: киши-сумон, одам-сумон;
- ча: эркак-ча, хотин-ча;
- часиға: эркак-часиға, хотин-часиға;
- ларча: ўртоқ-ларча, киши-ларча;
- чолиш (чалиш): хотин-чалиш, эркак-чалиш;
- дак (-так): бўл-дак; темир-так;
- тик (-тиқ): қўл-тиқ, ўлум-тик;
- вул: қоро-вул, ясо-вул;
- ч: ўтун-ч; ишон-ч;
- ин: тиқ-ин, тола-н;
- лоқ: тош-лоқ, қум-лоқ;
- лиқ (-лиғ): қуй-лиқ, ёмон-лик;
- той: суқтой;
- лиқ, -лиғ: от-лиғ, куз-лик (Бу ҳақда менинг айрим фикрим бор, бу қўшумча -ли қўшумчаси ўрнида келиши билан бирга изоҳга муҳтож нарс);
- ли: мол-ли, жон-ли;
- дор: пул-дор, соя-дор;
- сиз: пул-сиз, жон-сиз;
- ақай (-акай): сўла-кай, сўла-қай;
- рак (-роқ): катта-рак, ёш-роқ;
- қи (-ғи, -ки, -ги): киш-ки, ёз-ғи, турт-ки, кес-ки;
- ш: кўр-иш, жим-ш;
- ла: тақсим-ла, кўз-ла;
- да: йол-да;
- зор: пичан-зор, олма-зор;
- мол: чида-мол;
- ғай (-гай): қара-ғай, кел-гай;



- қит (-ғит): сол-қит;
- мас: қайт-мас;
- чилик (-чилик): юрт-чилик, бечора-чилик;
- хўр: нон-хўр, қон-хўр;
- ғали (-ғали): олғали, қўр-ғали;
- соқ (-сак): олим-соқ, қурум-соқ, эр-сак;
- чан (-чанг): уйал-чан, қўйлак-чанг;
- са: кел-са, қулан-са;
- бон: соя-бон, боғбон;
- қур (-кур): йов-қур;
- дош (-тош): йўл-дош, қўкал-дош;
- лаб: кеча-лаб, ой-лаб;
- ғулик (-гулик): бор-ғулик, қўргу-лик;
- сер: сер-тук, сер-унум;
- ўта: ўта қора;
- энг: энг яхши;
- жуда: жуда ёмон;
- ғирт: ғирт саводсиз;
- бе: бе-парво;
- но: но-инсоф, но-қобил;
- ним: ним-жон;
- на: на-у, на-бу;
- бо: бо-барака, бо-маза;
- аранг: аранг бордим;
- тум: тум қора, тум оқ каби аффикс ва перфекслардир.

Муаллиф ўз фикрида давом этиб, "...Термин ясаганимизда, рус сўзларини қандай қўллаш масаласида ўз тилимиз бойлиғига, унинг сўз яшаш қоидаларига мурожаат қилганимизда ҳалиги қўшумчаларнинг беражак фойдаларидан кўз юма олмаймиз"[3,54], деб сўзлар ясалишидаги ҳар хилликларни бартараф этиш таклифини илгари суради.

Маълумки, ҳар бир сўзнинг морфемаларга ажралиши ундаги қисмларнинг мауайян давр тилида ўзаро муносабатга кириша олиш хусусиятига асосланади. Бунда лугат сўзларнинг морфематик составини ўзида акс эттиради ва шу асосда морфем лугат юзага келади.

Элбекнинг лексик birlikларда сўз ясалишини ўрганишидан маълум бўладики, мазкур даврда ҳам аффиксация усули билан сўз яшаш усули устувор бўлган. Ўша даврда лексема яшаш учун хизмат қилган қўшимчаларнинг кўпчилиги бутунги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Бироқ, муаллифнинг юқорида келтирган маълумотларида айрим чалкашликлар, ноаниқликлар ҳам кузатилади. Чунончи, лексик усулда сифатлардаги орттирма даража категориясини ҳосил қилувчи *ўта*, *энг*, *жуда*, *ғирт*, *тим* формаларини, озайтirma даража ҳосил қилувчи *-иш*, *-роқ* қўшимчаларини; бутунги кунда даража-миқдор равиши функциясини бажараётган *аранг* лексемасини; феълнинг замон, майл, нисбат каби категорияларини ҳосил қилувчи *-ғали*, *-са*, *-син-арман*, *-гай*, *-дир*, *-тир* шакллари ҳамда *-да* келишиқ қўшимчасини сўз ясовчи аффикслар дея баҳоланиши нотўғри талқинлардир. Албатта, фонетик, лексик, грамматик меъёрлар қаторида, сўз



яшаш меъёрлари ҳам эндигина қайтадан шаклланаётган мазкур даврда бундай камчиликларнинг мавжуд бўлиши табиий эди. Унинг масалага илмий ёндашиб, муаммоларни бартараф этиш, адабий тил меъёрларини шакллантириш ишларида жонбозлик кўрсатгани унинг чинакам тилпарвар, миллатпарвар эканини яна бир қарра исботлайди.

Сўзларнинг морфематик тузилишини яхши ўзлаштириш уларнинг имлосини, талаффузини, ёзилиш қонуниятларини ҳам яхши ўзлаштиришга имкон беради. Бу нарсани яхши англаган муаллиф мазкур асарида сўзларнинг талаффузи ва имлосида бир хилликка эришиш, бунинг натижасида маълум меъёрни кенг халқ оммасига сингдириш мақсадида асос ва қўшимчалар имлоси, сўзларнинг ясалиш типлари, морфемалари ҳақида маълумотларни келтириб ўтган. Бу манба ўша давр учун ўзига хос морфем луғат вазифасини ўтаган дейишимиз ҳам мумкин.

Элбекнинг сўз таркиби, сўз ясалиши, сўзларни морфемаларга ажратиш, морфемаларни тўғри белгилаш, мураккаб қўшимчаларни тўғри баҳолаш борасидаги хизматлари ҳам алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Жумладан, *оларман, борарман* сўзларида *-арман; топилди, сурунди* сўзларида *-илди, -инди* каби аффиксал морфемаларни мураккаб қўшимча сифатида баҳолаш каби жиҳатлар алоҳида қузатишларни талаб қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилининг илмий грамматикаси (морфологияси) тўла яратилмаган эди [4,24]. Тилнинг грамматик қурилиши юзасидан давр зиёлилари томонидан илгари сурилган назарий қарашларда изчилик етишмас эди. Сўз туркумларини фарқлашнинг назарий қоидалари бўлмаганлиги туфайли 4 тадан 7 гача сўз туркуми фарқланган, сўз ва аффикс (қўшимча) маънолари анланган бўлса-да, аффиксларни сўз деб қараш анъанасидан борилган, оқибатда “белгилар” термини остида барча аффикслар алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган, меъёр сифатида белгиланиши айтилган қоидаларни мисоллар билан асослашда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Бу даврдаги ўзбек тили грамматикасига оид меъёрларни белгилашда, бир томонидан, анъанавий араб тили грамматик қонуниятлари, иккинчи томондан эса, рус тили грамматикалари билимлари ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган.

Шунга қарамай, XX асрнинг 20-йилларидаги ўзбек тили грамматикаси ҳақида билдирилган назарий фикрлар ўз даврининг дастлабки эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган. Шулар қаторида Элбекнинг ўзбек тили морфологияси, морфемикаси, сўз ясалишига оид назарий ва амалий қарашлари ҳам ўзбек тилининг илмий грамматикаси яратилишида маълум даражада хизмат қилган дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожига Элбекнинг роли. Филол., фан., номз., диссертацияси. – Тошкент, 2002 йил. -126 б.
2. Элбек. “Тилимиздаги ёнглишқлар”. – “Туркистон” газетаси, 1924 йил, 22 октябрь.
3. Элбек. “Ўзбек тўла сўзлигига материаллар” // Тил проблемалари. Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институти. Тил секторининг мажмуаси, 2-сон, “Ўздавнашр”, 1935 йил. -122 б.



4. Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. -24.

СОДДА ГАП ҚУРИЛИШНИ СУБСТАНЦИАЛ-ПРАГМАТИК ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Юлдошева Нилуфар Эргашевна,
Қарши давлат университети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди (nilu.75@mail.ru)

Аннотация. Мазкур мақолада содда гап қурилишини субстанциал-прагматик ўрганиш методологияси ҳақида сўз юритилади ҳамда лисоний имкониятларнинг субстанциал талқини ва уларнинг нутқий воқеланишидаги ҳамкорлик ҳодисаси таҳлилга тортилади

Таянч сўзлар: субстанция, прагматика, лисоний имконият, субстанциал талқин, категориял маъно, ёндош маъно, синтактик қурилиш, синтактик қолип.

МЕТОДОЛОГИЯ СУБСТАНЦИАЛЬНО-ПРАГМАТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ СТРУКТУРЫ ПРОСТОГО ПРЕДЛОЖЕНИЯ

Юлдошева Нилуфар Эргашевна,
Каршинский государственный университет,
кандидат филологических наук

Аннотация. В данной статье рассматривается методика субстанционально-прагматического исследования построения простых предложений и анализируется содержательная интерпретация языковых возможностей и явления сотрудничества в их речи.

Ключевые слова: субстанция, прагматика, языковая возможность, субстанциональная интерпретация, категориальное значение, примыкающее значение, синтаксическая структура, синтаксическая модель.

METHODOLOGY OF SUBSTANTIAL-PRAGMATIC STUDY OF THE STRUCTURE OF A SIMPLE SENTENCE

Yuldosheva Nilufar Ergashevna,
Karshi State University
Doctor of Philosophy in Philology

Annotation. This article discusses the methodology of substantive-pragmatic study of the construction of simple sentences and analyzes the meaningful interpretation of language possibilities and the phenomenon of cooperation in their speech.

Key words: substance, pragmatics, linguistic possibility, substantial interpretation, categorical meaning, adjoining meaning, syntactic structure, syntactic model.

Тил серқирра ҳодиса. Шу сабабли уни тилшуносликда турли томондан ўрганиш, бир тил ҳодисасининг ҳар хил қирраларини турли методлар ёрдамида тадқиқ қилиш